

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАРГОНА ВИЛОЯТИ
ФАРГОНА ШАҲРИ
МАСъУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ
«HIMOYA-AUDIT»



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ФЕРГАНСКАЯ ОБЛАСТЬ ГОРОД
ФЕРГАНА ОБЩЕСТВОС
ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ
«HIMOYA-AUDIT»

O'zbekiston Respublikasi, Fargona viloyati, Fargona shaxri, X/r 20208000904195942001, INN: 204107363, MFO: 01131,
Universalbank Farg'ona shahar filiali, tel: 226-07-57, 980-55-75. faks: 226-13-06, e-mail:himoyaaudit@gmail.com,

Ижобий фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Қоракўлдонмаҳсулотлари» Акциядорлик жамиятининг раҳбариятига

Мен (биз), Фаргона шаҳри С. Темур кўчаси 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили himoyaaudit@gmail.com, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 05 апрелда берилган №00775-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини камалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигига 2007 йил 10 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 204107363, банк ҳисоб раками 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фаргона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «HIMOYA-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори Хатамов Шавкат Бокиевич (Аудитор малака сертификати №05409 20.08.2016 йилда берилган) томонидан хўжалик юритувчи субъект «Қоракўлдонмаҳсулотлари» АЖнинг бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2020 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзида аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «Қоракўлдонмаҳсулотлари» АЖнинг тақдим қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча мухимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувани аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувани режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Қоракўлдонмаҳсулотлари» АЖнинг 31 декабрь 2020 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча мухимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун хужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ «HIMOYA-AUDIT»
аудиторлик ташкилоти директори



Аудитори:

Хамралиев Б.У.

Хатамов Ш.Б.